



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 3 октябрь, № 207 (8550)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР: ИККИ ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИК СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ДАРАЖАГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев  
Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг таклифига биноан  
1-2 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



2 октябрь куни Доҳа шаҳридаги “Амири Девон” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевни Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний самимий кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ҳарбий оркестр икки мамлакат мадҳияларини ижро этди. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар ва расмий делегациялар аъзоларини қутладилар. “Амири Девон” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Қатар

Амирига ташриф билан келиш таклифи ҳамда Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди. Сиёсий мулоқотни янада мустақамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва маданий-гуманитар алмашинуви фоллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Қатар Амири жорий йил июнь ойида Самарқандга амалга оширилган тарихий ташриф мамлакатларимиз муносабатларида янги босқични бошлагани таъкидланди. Ўзбекистон билан Қатар ўртасидаги ҳамкорликни янада юқори, стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга қатъий интилиш билдирди. Турли даражаларда мулоқотлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми ошмоқда, икки мамлакат пойтахтлари ўртасида авиақатновлар йўлга

кўйилди. Қатарнинг йирик компаниялари билан қўшма лойиҳалар бошланди. Ташриф арафасида Доҳада Ўзбекистон элчихонаси очилди, унинг фаолияти самарали шерикликни фаол ривожлантиришга кучли суръат бағишлайди. Қатарда муваффақиятли амалга оширилаётган ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг бўлган “Нигоҳ 2030” давлат дастурига юқори баҳо берилди. Томонлар савдо кўрсаткичларини қарор қилганидан далолат беради. Айниқса, испан тажрибасидан келиб чиқиб, Испания — Қатар муносабатларини ривожлантириш бўйича барча муҳим келишувларга давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари чоғида эришилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон ва Қатар раҳбарларининг музокаралари, шу

Хукуматлараро комиссия, Ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилишлари ва бизнес форумини ўтказиш таклиф қилинди. Маданият, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинуви кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги қайд этилди. Ўзбекистон Қатарнинг илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш, биотехнологиялар ва сунъий интеллект, “яшил” энергетика борасида қўшма тадқиқотлар ўтказишдан манфаатдор экани таъкидланди. Доҳада Ўзбекистон маданияти ва туризм ҳафталигини ўтказишга келишиб олинди. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди. Трансафгон темир йўлини куриш лойиҳасини амалий илгари суриш масалаларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилди. Томонлар Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун афгон халқига гуманитар ёрдам кўрсатишни давом эттириш муҳимлиги ҳақида яқдил фикр билдирдилар. Учрашув якунида давлат раҳбарлари бир қатор қўшма “йўл хариталари”ни тайёрлаш ва эришилган келишувларни самарали рўёбга чиқариш механизмларини яратиш топширигини бердилар. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг музокараларидан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Хусусан, ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олувчи қуйидаги ҳужжатлар имзоланди: — Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Қатар Давлати Хукумати ўртасида туризм ва ишбилармонлик тadbirlari соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим; — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги ва Қатар

Давлати Ижтимоий ривожланиш ва оила вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум; — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Қатар Давлати Ички ишлар вазирлиги ўртасида ўзаро англашув меморандуми; — Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва Қатар Давлати Инвестиция агентлиги ўртасида инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми; — Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Қатар Давлати Маъмурий назорат ва шаффофлик бошқармаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми. Бундан ташқари, ташриф доирасида қуйидаги келишувларга эришилди: — Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари қўмитаси ва Доҳа динлараро мулоқот халқаро маркази ўртасида ўзаро англашув меморандуми; — Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ва Қатар Давлати Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қўмитаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми; — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Қатар Давлати Савдо-саноат палатаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми. Президент Шавкат Мирзиёев шу куни Доҳа шаҳрида ўзига ажратилган қароргоҳда Қатар Давлатининг собиқ Бош вазири, мамлакатдаги қатор йирик инвестиция ва саноат ҳолдинглари асосчиси Ҳамад бин Жассим Ол Сонийни қабул қилди. Ўзбекистон ва Қатарнинг етакчи компанияси ва корхоналари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Энергетика, саноат, инфратузилма, туризм, банк-молия соҳалари-

да истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш шулар жумласидан. Давлатимиз раҳбари экспертлар гуруҳини шакллантириш ва “Йўл харитаси”ни қабул қилиш орқали қўшма лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатарга давлат ташрифи доирасида “ЭКСПО Доҳа — 2023” бутунжаҳон кўргазмасининг очилиш маросимида иштирок этди. Тантанали тadbirlari Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Бирлашган Араб Амириклар Президенти шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Нахаён, Ироқ, Яман ва бошқа қатор мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари қатнашди. “ЭКСПО Доҳа — 2023” минтақда ўтказилаётган илк глобал “яшил” кўргазмадир. Тadbirlari “Яшил саҳро, янада яхши атроф-муҳит” шиори остида ўтказилмоқда ва келгуси йил март ойига қадар давом этади. Форум иштирокчилари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экотизимларни ривожлантириш, “ақлли” қишлоқ хўжалигини жорий қилиш, янги турдаги экинларни етиштириш, инновацион боғлар яратиш ва бошқа йўналишлардаги илғор технологиялар ва ютуқлар билан танишди. Кўргазма доирасида ташкил этилган Ўзбекистон миллий павильонида интенсив деҳқончилик ва чорвачилик, экологик менежмент соҳаларидаги энг янги технологиялар, мамлакатимиз боғдорчилик ва озиқ-овқат тармоқлари тақдимотлари намойиш этилмоқда. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қатарга давлат ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

### Дунё нигоҳи

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАТИРИШ УЧУН БАРҚАРОР ҲАМДА ҚУЛАЙ МУҲИТ ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ҚАДАМ

Ўзбекистон Президентининг 1-2 октябрь кунлари Қатарга амалга оширган давлат ташрифи якунлари хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Халқаро экспертларга кўра, Доҳада бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар, шунингдек, ушбу давлатнинг йирик компаниялари раҳбарияти билан учрашувлар Ўзбекистон учун нафақат Қатар билан савдо-иқтисодий, сиёсий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш, балки бошқа кўрфаз мамлакатлари билан ҳам янги истиқболларни очишга мустаҳкам пойдевор бўлади. Таҳлилчилар, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Доҳага ташрифи Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги икки томонлама муносабатлар фаоллашувининг ёрқин далили эканини таъкидлаш баробарида бу икки томонлама савдо-инвестициявий ҳамкорликни бир неча қарра ошириш учун ҳақиқий имконият сифатида қайд этишмоқда.

**Эмилио КАРМОНА,** Испания савдо, саноат ва туризм вазирлиги ҳузурдаги Халқаро савдо институтининг (ICEX) собиқ бош директори, «Investrade» компанияси президенти:



— Ушбу ташриф, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга сифат жиҳатдан янги суръат бағишлайди. Бу икки мамлакат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция ва маданий-гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қатъий



қарор қилганидан далолат беради. Айниқса, испан тажрибасидан келиб чиқиб, Испания — Қатар муносабатларини ривожлантириш бўйича барча муҳим келишувларга давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари чоғида эришилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон ва Қатар раҳбарларининг музокаралари, шу

нингдек, мамлакатингиз раҳбарининг ушбу давлатнинг етакчи ишбилармон доиралари вакиллари билан режалаштирилган учрашувлари натижасида Қатар сармояларини Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодиётида бир неча баробар ошириш бўйича ҳам муҳим келишувларга эришилганига шубҳам йўқ.

### Таҳлил

## ГЕРМАНИЯ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПАДАГИ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги икки томонлама муносабатлар барча йўналишда жадал ривожланиб бормоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ва қўшма лойиҳалар сони икки баробар ортди. Германиядан Ўзбекистонга инвестициялар ҳажми 5,5 млрд. долларга етди, шундан 4 млрд. доллар охириги олти йилда жалб қилинган. “Яшил” энергетика, қазиб чиқариш, кимё, фармацевтика тармоқларида, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, инновация ва бошқа соҳалардаги кооперация лойиҳалари шулар жумласидан.

Шунингдек, энергетика, кимё, озиқ-овқат, тўқима-чилик саноати, металлургия, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари, электротехника ишлаб чиқариш, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Орта қайтмас ислохотлар самараси ўларок, Германиялик ишбилармонларда мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш, инвестиция киритиш истаги кучаймоқда. Айниқса, энергетика

соҳаси — қуёш панеллари, “яшил” иқтисодиёт каби янги форматдаги тизимлар тadbirlarнинг эътиборини тортапти. Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнесга узоқ муддатли кредит йўналишларини шакллантириш мақсадида Германиядаги қатор банклар билан Ўзбекистон банклари ўртасида шартномалар имзоланган. Бу — Германияда ёки Европада ишлаб чиқарилаётган ускуна, бошқа технологияларни мамлакатимизга олиб келишга кенг

йўл очилади, дегани. Эътиборли жиҳати, бу йўналишга 7 йилдан 10 йилгача кредит линиялари шакллантирилади. Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини ҳамда Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имкон қадар тез имзоланиши бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр. Германия ва Марказий Осиё алоқалари сўнгги йилларда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси масалаларида катта муваффақиятларга эришмоқда. Ўзбекистон ўз иқтисодиётини модернизациялаш масаласида ҳам сезиларли ривожланишга эришаётгани эътиборлидир.





# ИҚТИСОДИЙ ҲАМ ИЖТИМОИЙ ҲАМ ИШТИРОКЧИЛИКНИ ҚУЛАЙ МУҲИТ ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ҚАДАМ

Мамлакатингиз сўнгги йилларда қандай ўзгаришни кўриб турибмиз. Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда тўб ўзгаришлар амалга оширилди. Ишбилармонлик муҳити сифат жиҳатдан яхшиланди, хорижий инвестициялар оқими ортиб бормоқда, умуман олганда, хорижий ҳамкорлар сифатида биз учун бизнесни ривожлантириш борасида янги имкониятлар очилди.

Ишончим комилки, Қатарда ўтган икки томонлама музокаралар испан компаниялари учун Ўзбекистонни ўз фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири сифатида кўриш ва янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун муҳим "сигнал" бўлиб хизмат қилади.

**Жон Ли,**  
**«ТиЭмСи Академи» бош директори**  
**(Сингапур):**



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қатар Амири тақлиғига биноан Дохага ташрифи Ўзбекистон билан Қатар ўртасидаги икки томонлама муносабатлар фаоллашганидан ёрқин далолатдир. Бу воқеа ҳар икки томон ҳам минтақавий ва глобал миқёсдаги ўзаро ҳамкорликка аҳамият қаратаётганидан далолат беради.

Қатар энг йирик табиий газ экспортчиларидан бири сифатида иқтисодий

ҳамкорликни диверсификация қилиш йўлини фаол изламоқда. Ўзбекистон, ўз навбатида, иқтисодиётини модернизация қилиш ва хорижий сармояларни, айниқса, инфратузилма, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаол жалб этишга интилоқда.

“ЭКСПО Доха — 2023” — “Яшил саҳро, янада яхши атроф-муҳит” халқаро кўргазмасида асосий эътибор экологик барқарор ривожланишга қаратилган бўлиб, бу барқарор ривожланиш ва иқлимни муҳофаза қилиш соҳасидаги жаҳон тенденцияларига мос келади. Ушбу ёндашув экологик муаммонинг ҳар икки мамлакат ва бутун дунё учун долзарблигини таъкидлайди.

Икки томонлама музокаралар чоғида савдо, сармоя, транспорт, маданият ва таълим каби турли соҳалардаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилиши қувонарлиқдир. Бундай ҳамкорликдан ҳар икки давлат ўзаро манфаат кўриши мумкин, бу эса уларнинг минтақадаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Ҳозирги глобал контекст ва жаҳон иқтисодиёти олдига турган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш иқтисодий ўсиш ва ривожланиш учун барқарор ҳамда қулай муҳит яратиш йўлидаги стратегик қадамдир.

**Моҳаммадреза Абеш АХМАДЛУ,**  
**Эроннинг инглиз тилида босиладиган**  
**нуфузли «Iran Daily» газетаси муҳбири:**

— Тарихга назар ташласак, Қатар 1991 йил 30 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини би-



ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Қатар ўзаро алоқаларни, айниқса, транспорт коммуникациялари, нефтьга, қиммат саноати, қурилиш, савдо, туризм ва юқори технологиялар каби соҳаларда ривожлантириш учун катта салоҳият ва истиқболга эга.

Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, энергетика, қиммат саноати, транспорт коммуникациялари, қурилиш, туризм, юқори технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тажриба алмашишдан икки давлат ҳам манфаат дўрмоқда.

Олий даражадаги фаол сиёсий мулоқот икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Ушбу ташриф Ўзбекистон ва Форс кўрфазы мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун ҳам долзарбдир. Қатар билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун

ринчилардан давлатлар билан савдо-иқтисодий, сиёсий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларни кенгайтириш учун янги истиқболларни очади.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон — Қатар транспорт-коммуникация коридорини шакллантириш ташаббусини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида Эроннинг Жанубий портлари билан темир йўл алоқаларини ўрнатиш Форс ва Умон кўрфазы ҳамда Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ўртасида муҳим боғловчи тармоқни яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Қатарга бу галги ташрифи Самарқанддаги музокараларнинг мантиқий давоми бўлиб, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ўртасида янги кўприк бўлиб хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Қатарга ташрифи Самарқанддаги музокараларнинг мантиқий давоми бўлиб, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ўртасида янги кўприк бўлиб хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қатарга ташрифи Самарқанддаги музокараларнинг мантиқий давоми бўлиб, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ўртасида янги кўприк бўлиб хизмат қилади.

**Халид Таймур АКРАМ,**  
**«Умумий келажак ҳамияти» тахлилий**  
**маркази ижрочи директори (Покистон):**



— Ўзбекистон раҳбарининг Қатарга ташрифи тарихий аҳамиятга эга. Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёда тўпланиб қолган барча муаммоларни масалаларни ҳал эта олган, минтақа давлатларини умумий келажакни барпо этиш йўлида бирлаштириш олган буюк етакчига айланди. Энди у Яқин Шарқни “қашф қилиш” учун отланди. Ташрифнинг биринчи кунда Ўзбекистон

# GERMANYA ҲАМ ИЖТИМОИЙ ҲАМ ИШТИРОКЧИЛИКНИ ҚУЛАЙ МУҲИТ ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ҚАДАМ

Германия Ўзбекистон билан ҳамкорликни, биринчи навбатда, икки томонлама савдо муносабатларини кенгайтиришдан манфаатдор. Сўнгги беш йилда икки мамлакат ўртасида савдо ҳажми тўрт бараварга ошиб, бугунги кунда 1 млрд. еврони ташкил этмоқда.

Европа Иттифоқининг локомотив давлатларидан бири сифатида Германия Ўзбекистоннинг “GSP+” тизимига қўшилишини фаол қўллаб-қувватлади. Бу эса савдода Ўзбекистонга катта имтиёзлар берилишини аниқлатади.

Европада 513 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шу боис Ўзбекистон “GSP+”га қўшилгандан кейин ўзбек компаниялари Европа бозорига кириб кела бошлади ва ўз маҳсулотини сотмоқда. Бу эса уларга катта имкониятлар ашигини очди. “GSP+” тизимига қўшилиш орқали улар нисбатан қулай шартношаларда Европа бозорига кириши, манфаатли тарзда, яхши рақобат муҳитида ишлаши мумкин бўлади.

“GSP+” давлатга қўллаб-қувватлаш имтиёзлар бериш билан бирга, унинг олдига бир қатор талаблар ҳам қўйилган тизимдир. Яъни “GSP+” имтиёзлар тизими номдод давлатларга катта талаблар — ислохотлар ўтказиш, инсон ҳуқуқлари, атроф-муҳит муҳофазаси, самарали давлат бошқаруви, меҳнат муҳофазаси масалаларида шартларни қўяди. Шунинг учун ҳам “GSP+” тизимига фақатгина 8 та давлат кириб олган.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши билан боғлиқ мавзу бугунги кун тартибидоги асосий мавзулардан. Германия эса бу ташкилотда ўз ўрнига эга давлатлардан ҳисобланади. Расмий Берлин Ўзбекистоннинг ЖСТГА аъзо бўлиши тарафдор эканидан хурсанд ва бу муваффақиятни амалга оширишга, деган умидда.

Жаҳон савдо ташкилоти — “GSP+” тизимига ҳам ўшаёқ. Яъни бунда ҳам номдод давлатдан ривожланиш, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, савдо масалаларида ислохотлар ўтказиш талаб этилади. Ўзбекистон савдо, инвестициявий муҳит, солиқлар, божхона тўловлари ва жараёнлари борасида бир қатор ўзгаришларни амалга оширяпти. Ўзбекистон ўз бозорини хорижий маҳсулотларнинг кириб келиши борасида қўллаб-қувватлаш имтиёзлари олиб ташлади.

Ўзбекистон ва Германия мулоқотларида транспорт ва логистикани ривожлантириш масалаларига эътибор катта. Томонлар Марказий Осиёни Европа билан боғлайдиган самарали йўналишни шакллантиришга хизмат қилувчи Транскаспий йўналиши биргаликда ривожлантириш бўйича яқдил фикрда.

Шу ўринда Германиянинг “5+1” шаклидаги мулоқотга қизиқиши ортиб бораётганини кузатиш ва ҳозирги муносабатларга мулоқотларнинг муҳим даври, дея таъриф бериш мумкин.

“5+1” деб аталувчи кўп томонлама учрашувлар формати Марказий Осиёнинг бешта давлати (“5”) ва халқаро ҳамкор (“1”)ни назарда тутди. Мазкур формат давлат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ва экспертлар даражасида мунтазам равишда ташкил этиладиган учрашувлар ҳамда форумлар

доирасида доимий мулоқот қилиш учун дипломатик платформа вазифасини ўтайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбарининг очиқ ва конструктив ташқи сиёсати ҳамда минтақадаги давлатлар раҳбарларининг ҳамкорликдаги савдо-ҳаракатлари туфайли Марказий Осиёда муносабатлар янги сиёсий муҳит юзага келди. Бу Марказий Осиёдаги вазиятни кескин равишда ижобий томонга ўзгартириб юборди. Эндиликда жаҳон сиёсий ва иқтисодий тизимига интегралланиш мақсад қилган Марказий Осиё давлатлари учун Германия, Европа Иттифоқи давлатларининг фаоллашуви ва қўллаб-қувватлаши муҳим.

Демак, бундан бунёдга Германия ва Ўзбекистон ўртасида “Ўзбекистоннинг Европага интегралланишуви” гоясига асосланган ҳамкорлик модели йўлга қўйилди.

Расмий Тошкент ва Берлинни яқинлаштирувчи омиллардан бири — бу хавфсизлик ва тараққиёт масалаларидаги ўхшаш позициялар ва ёндашувлардир. Шу боис Ўзбекистон Германия билан кўп қиррали, ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга уруғ беради. Ўз навбатида, Германия Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича ташаббусини ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш орқали минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича ташаббусини олқишлайди. Икки давлат ҳам терроризм, экстремизм ва радикаллашуви халқаро хавфсизликнинг бош таҳдидлари сифатида қабул қилади. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Германия билан Афғонистон масаласида ҳамкорлик бўйича ижобий тажрибага эга, 2022 йилдан 2016 йилгача Бундесвер контингентини Термиз шаҳридаги объектлардан Афғонистондаги стабиллашув миссиясини қўллаб-қувватлаш учун қўйилган.

Боз устига, Ўзбекистон Европа Иттифоқини ва унинг локомотивларидан бири — Германияни халқаро саҳнада муҳим ҳамкорлардан бири сифатида қабул қилади. Ва ЕИ ҳамда унга аъзо давлатлар билан кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратади.

Европа Иттифоқи айни вақтда Марказий Осиё давлатларига нисбатан янги стратегияни ишлаб чиқиш жараёнини ишга туширган. ЕИнинг Марказий Осиё давлатлари бўйича ҳозирги янги стратегияси 10 йил муқаддам Германия ташаббуси билан қабул қилинган. Ушбу концептуал ҳужжатга замон талаби, томонлар манфаатларига жавоб берадиган ўзгаришларнинг киритилиши Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатлар учун қулай шартношалар яратилиши ҳамда уларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Германия томони Марказий Осиё давлатларига Орол денгизини кўриши билан боғлиқ асосларни енгиб ўтишда, сув ресурсларидан рационал фойдаланишда, омборхоналар, сув билан таъминлаш ва сувни тежаш тизимларини такомиллаштиришда кўмаклашиш салоҳиятига эга.

Ўзбекистон Германия инвестицияларини жалб қилиш, бизнес муҳитини яхшилаш, туризмни ривож-

лантириш, фермер хўжалиқларини, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш, инфратузилма ва транспорт-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ниятида қатъий. Шунингдек, икки давлат демократик институтларни мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришда, соғлиқни сақлаш соҳасини ва таълим сифатини яхшилашда, илмий салоҳиятини ривожлантириш борасида ҳамкорлик ва биргаликда тадқиқотлар олиб бораётгани эътиборга молик.

Марказий Осиё минтақасида дўстлик, ўзаро англашув ва шериклик муносабатлари мустаҳкамлашни бораётгани кенг ҳамкорлик учун янги ва ноёб имкониятлар яратаяпти. Савдо-инвестициявий фаолиятни кучайтириш, лойиҳавий ҳамкорликни йўлга қўйиш, минтақада транспорт йўлакларини ривожлантириш, “яшил” кун тартибининг илгари суриш, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглигини таъминлаш, таълим дастурларини кенгайтириш, Афғонистондаги вазиятнинг тинч йўл билан ҳал этилишига кўмаклашиш бугун минтақа ривожини учун стратегик аҳамиятга эга устувор йўналишлардир.

Бугунги кунда Германия Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатини келажак сари ҳамда етаклаётганини ҳеч қим инкор эта олмайди, деб ҳисоблайди. Зеро, аввалги тузум танқидчилари қамоқхоналардан озод этилди, онлайн-медиа соҳаси фаолияти либераллаштирилди, сўз эркинлиги кенгайтирилди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўзвонини чекланди.

Яқинда “Berliner Zeitung” газетасида Ўзбекистондаги ислохотлар эътироф этилган материал чоп қилинди. Қайд этилишича, Фарб мустаҳкам шериклигини йўлга қўймоқда ва Ўзбекистондаги ҳайратланарли даражадаги ижобий жараёнларни тан олмоқда. Ҳозирги вақтда Марказий Осиёнинг асосий мамлакатлари савдосининг қарийб 30 фоизи ЕИ ҳиссасига тўғри келмоқда, бунда Германия муҳим шерик ҳисобланади.

Мақолада ҳозирги воқеалар ривожини нафақат Ўзбекистон, балки Германия томони учун ҳам муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади. Ўзбекистонликлар сони тобора ортиб бормоқда. Ушбу мамлакат ёшлари ЕИ, Германияда ишга жойлашса, бундан ҳар иккала тараф ҳам манфаат қўради.

Нашрда ёзишларича, мамлакатда демократлаштиришга интилиш ўтя жиддий тус олган. Конституциявий ислохот ёрдамида мамлакат демократия, ижтимоий адолат, тенглик ва эркинлик қадриятларига содиқликка интилоқда.

Чиндан ҳам, Европанинг ушбу давлати билан ҳамкорлик янгилаётган Ўзбекистон тараққиётида муҳим ўрин тутди. Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, Германия ўзи қандай давлат, унинг иқтисодий имкониятлари, немисларнинг ҳаёти, қадриятлари ҳақидаги саволлар юрдошларимизни қизиқтириши табиий.

Шу нуқтаи назардан, ҳозирги геосиёсий вазият ва шароитда Марказий Осиё давлатлари учун хорижий ҳамкорлар билан кўп томонлама ва мувозанатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш гоёғ муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, минтақавий шериклигини чуқурлаштириш Марказий Осиёнинг аҳамиятини ошириб, минтақа манфаатлари йўлида турли масалаларни бартароф этишининг самарали омили саналади.

Шу нуқтаи назардан, ҳозирги геосиёсий вазият ва шароитда Марказий Осиё давлатлари учун хорижий ҳамкорлар билан кўп томонлама ва мувозанатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш гоёғ муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, минтақавий шериклигини чуқурлаштириш Марказий Осиёнинг аҳамиятини ошириб, минтақа манфаатлари йўлида турли масалаларни бартароф этишининг самарали омили саналади.

**Машхура БОБОЖОНОВА,**  
**Германиянинг Лейпниг номидagi**  
**Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида**  
**қишлоқ хўжалигини ривожлантириш**  
**институтини докторанти.**

# ДИЛ СЎЗИ ҲАЁТГА ҚАЛБ КЎЗИ БИЛАН БОҚИБ...

Қарийб 32 йилдан буён Самарқанд шаҳридаги 59-кўзи оғиз болалар учун иختисослаштирилган мактаб-интернатда ўқитувчи бўлиб, ёшларга математика фанидан сабоқ бериб келяпман.

Сўнгги 5-6 йилдан бери таълимга берилмаётган давлат даражасидаги эътиборни ҳеч нарса билан қийинлаштира олмайди. Биргина бизнинг мактаб-интернатимизда охириги икки йилда яратилган шарт-шароитни олдингиси билан солиштириш жуда қийин. Президентимизнинг ўтган йил февраль ойида мактабимизга ташрифидан кейин катта ўзгаришлар бўлди. Илм масканимиз тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ўқувчилар учун янги ётоқхона қурилди. Шунингдек, янги мактабга таълим ташкилоти ташкил этилди.

Бундан ташқари, муассасамиз учун алоҳида босма-чоп берилди. Бу ерда китоблар, ўқитувчиларнинг ишлари чоп қилиниб борилаётган мактабимизда аста-секин бартароф этиляпти. Зарур дарсликлар чиқариляпти. Ҳозир 5 ва 6-синфлар учун мўлжалланган “Математика атрофида” деган ўқув қўлланмасини чиқардик. Келгусида 7, 8 ва 9-синфлар учун ҳам бу ишнинг босқичма-босқич амалга оширамиз.

Ҳаёт гўзаллиқларини қалб кўзи билан кўриб, ундан завқланиб яшаган ҳаракат қиладиган инсонларданман. Зеро, ҳар бир инсон ирода-си, бардоши, матонати билан ҳар қандай машаққатни енгишга қодир эканлигини яхши биламан ва ўзим ҳам шунга амал қиламан. Бу широр менга доим омад ва бахт келтирган.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига кўра ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган бир гуруҳ устозлар қаторида “Меҳнат шўхрати” ордени билан тақдирланганим руҳини янада тақдирланганим руҳини янада кўтарди. Камтарона меҳнатим қадрланиб, давлатимизнинг юксак мукофотига лойиқ топилганимдан бениҳоя хурсандман. Бу эътироф мени янги ютуқ ва зафарларга чорлайди, бундан кейин янада шижоат билан ишлашга ундайди.

**Баҳриддин ИСРОИЛОВ,**  
**Самарқанд шаҳридаги**  
**59-кўзи оғиз болалар учун**  
**ихтисослаштирилган**  
**мактаб-интернатининг**  
**математика**  
**фани ўқитувчиси, «Меҳнат**  
**шўхрати» ордени соҳиби.**

# ШОГИРДЛАРИМ — ФАХРИМ МЕНИНГ

Ҳар қандай мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришда спортнинг аҳамияти беқиёс. Спортдаги муваффақиятлар замирида эса давлатимиз томонидан соҳага, қолаверса, мураббийларга қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрлик мужассам, десак, муболага бўлмайди.

Мустақилликнинг илк йилларида Қўшгепа туманининг “Шомирза” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган “Зарниқор” чим устида хоккей бўйича қизлар жамоаси ўтган даврда турли ёш тоифаларида 20 марта Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Япония, Хитой, Индонезия, Малайзияда уюштирилган Осиё ўйинларида фархли ўринларни қўлга киритди. Бу каби ютуқларимиз туфайли кейинги йилларда жамоанинг 100 нафардан зиёд чемпион қизлари жисмоний тарбия йўналишида мамлакатимиз олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда қабул қилинди.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига 2024 йили Шомирза маҳалласида замонавий спорт мажмуаси қуриб битказилиши режалаштирилган. Шу тарихи вилоятнинг олис қишлоғида чим устида хоккей спорт тури билан шуғулланиш истагидаги ёшлар учун жаҳон андозлари даражасида шарт-шароитлар яратилади. Шундан ҳам билиш мумкин, юртимизда спортни

**Абдулҳамид ВАҲОБОВ,**  
**Фарғона вилояти чим**  
**устида хоккей**  
**федерацияси ижрочи**  
**директори, мураббий,**  
**«Соғлом турмуш» медали**  
**соҳиби.**



# ИМОРАТЛАР ИЧИДА ЭНГ УЛУҒИ — МАКТАБ

Хар даврнинг замон юкини елкасида кўтарган фидойилари бўлади. Улар кўпам кўзга ташланмай, одатда хайрли ишу эзгу ташаббусларини кўз-кўз қилишдан ўзларини тийиб юришади. Мисол учун, Навоий шаҳрининг Фаровон маҳалласидаги 22-умумтаълим мактабининг янги биносини тadbиркор Абдукарим Саканов қуриб берганини шу йилнинг 28 августига қадар кўпчилик билмасди.

## Дахлдорлик

Уша куни Президент янги ўқув йили олдидан мамлакатимиз мактабларида таълим сифати ва ўқитувчилар малакасини янада ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ҳамда таълим даргоҳларида муносиб шарт-шароитлар яратиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида миллат келажак мақтабда эканини эътироф этиб, тadbиркор қаҳрамонимиз билан он-лайн мулоқот қилди. Ушбу эзгулик жамиятда таълимга муносабат ўзгарганлигининг ифодаси экани ва ибрат мактаби бўлишини таъкидлади.

Абдукарим Сакановнинг болалиги Навбахор туманининг Ортиқ Фаронов номидаги маҳаллада ўтган. 1991 йилда тумандаги 8-умумтаълим мактабини тугатган қаҳрамонимиз Бухоронинг Мир Араб мадрасасида исломшунослик йўналиши бўйича тахсил олган.

Инсоннинг ҳаётда ким бўлиши, қандай камол топиши, қайси вазифада ишлаши, аввало, унинг ўз тadbиридан, — дейди Абдукарим Саканов. — Тақдир эса Яратганнинг иродаси. “Сендан ҳаракат, мендан барокат”, деган ҳикматнинг моҳияти ҳам шунда. Қайси касб ва хунарнинг эгаси бўлмасин, инсон ҳаракат қилсагина ўз ризку насибасини топади, шу аснода жамиятга ҳам фойда келтиради. Топган бир бурда нони ҳам ҳалол бўлади. Покиза жойдан эса баракка аримайди.

фақат ёшлар, балки бутун шаҳар аҳлининг сеvimли масканига айланган.

Мана шунга ҳам беш йил бўлибди. Бу ораликда янги-янги иш ўринлари яратиб, бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, аҳоли тураржойларини қурдик. Уша қурилишлар амалга оширилган Фаровон маҳалласи ва унга туташ массивлар мутлақо янги кўп қаватли уйлардан таркиб топган. Уларда истиқомат қилаётган аҳолининг аксарияти Президентимиз ташаббуси билан “инсон манфаатлари” ғояси асосида ушбу хонадон соҳиблари бўлишган. Уларнинг фарзандлари учун



янги мактаб биносини қуриш биз учун шарафли иш, шу билан бирга, Юртбошимизнинг биз тadbиркорларни қўллаб-қувватловига миннатдорлик ифодаси бўлишини ният қилдик. Мактаб қурилишига тadbиркор томонидан 23 млрд. сўм ҳомийлик маблағи йўналтирилиб, 990 ўринли (бир сменада) беш қаватли бино тикланди. Замонавий компьютер ва ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди. Шунингдек, ўқувчиларнинг касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқишларини қаноатлантиришда барча имкониятга эга устахона-



лар, 300 ўринга мўлжалланган мактаб ошхонаси, тadbирлар зали ва бошқа бир қатор қўшимча ўқув хоналари ёшларга замон талаби асосида таълим олиш имконини беради.

Донишмандлар одам одамга, йиллар ўтиб эса ўзи ўзига ўхшамайди, дейишади. Аслида замон ва мезон ўзгарувчан, кишиларни тоблайди. Шу жиҳатдан бугунги кунимиз инсоний фазилат ва хислатлар кўриги, кимнинг нимага қодирлиги, имконият, салоҳият ва тафаккур дунёсини синовдан ўтказувчан дамлар, десак, хато бўлмайди. Боиси бутун бошли бир авлод, халқ ва миллат ўзликни англаш, янги жамият қуриш, миллий қадриятларни қарор топтириш, фаровон турмуш йўлида фидокорона меҳнат қилиш каби мезонлар асосида тарихнинг мураккаб имтиҳонларидан ўтмоқда.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

## Балиқчилик

Балиқчилик қишлоқ ҳўжалигининг истиқболли тармоқларидан бири саналади. Шу боис мазкур соҳа фаолиятини жадал ривожлантириш, интенсив технологиялар асосида балиқ етиштириш ҳажми ва маҳсулотлари турларини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд ҳавзалар имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда балиқчилик ҳўжалиқларининг озуқа базасини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## «ЛУҚМАН ҲАЛОЛ» ЕТИШТИРИШ ЙИЛ САЙИНИ КўПАЙМОҚДА

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 13 январдаги “Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарорига биноан тadbиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида аҳоли хонадонларида ҳам балиқ етиштиришга рухсат бериш билан бирга, қатор имтиёзлар қўлланилмоқда.

Балиқчиликни ривожлантириш чора-тadbирлари натижасида Сурхондарё вилоятида ҳозирда 354 та ҳўжалик фаолият олиб бормоқда. Ўтган йили умумий қиймати 96,8 млрд. сўм бўлган 13 та янги балиқчилик лойиҳаси амалга оширилиб, 132 та иш ўрни яратилди. Йил якуни билан вилоятда 35,3 минг тонна балиқ етиштирилди.

— Термиз туманидаги “Норҳамид бобо” фермер ҳўжалигимиз балиқчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, интенсив усулда балиқ етиштириш йўлга қўйилган, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Нормухаммад Норхамидов. — Лойиҳамиз 10 сотихли сунъий ҳовузда кам сув сарф этиб, кўпроқ маҳсулот олишга мўлжалланган. Ўтган йили 10 тонна балиқ етиштирилган бўлса, бу йил уни яна икки баробар оширишни мўлжаллаяпмиз.

Жорий йилда Термиз туманида — 65, Узун туманида — 42, Қумқўрғон туманида — 25, Ангор туманида — 15, Денов туманида 10 гектардан экстенсив сув ҳавзалари қайта реконструкция қилиниб, интенсивлаштирилади. Натижада қўшимча 19,4 минг тонна балиқ етиштириш имкониятлари яратилади.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

## БЕЛЬГИЯДА ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИГАН ТУБИНИ КўКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ҲАҚИДА ВИДЕОЛАВҲА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Бельгия телевидениесининг француз тилидаги расмий веб-сайтида “Ўзбекистон: Орол денгизининг қуриган тубини кўкаламзорлаштириш” номли видеорепортаж эълон қилинди.

## Биз ва жаҳон

Дастур бошловчиси Орол денгизи Марказий Осиёда энг йирик экологик офат эканлигини қайд этади. “Бундан 50 йил аввал Орол денгизи дунёдаги энг катта кўлардан бири бўлган бўлса, бугун у саҳрога айланиб бормоқда, — дейди у. — Салбий оқибатларни бартараф қилиш учун Ўзбекистон раҳбарияти томонидан барча чоралар кўрилмоқда”.

Қайд этилишича, ҳозирги пайтда Орол денгизининг 90 фоизи чўлга айланган. “Ушбу экологик фалокат собиқ иттифоқ маъмурияти томонидан қабул қилинган нотўғри қарорлар туфайли юзага келган, — дейилади лавахда. — Ўзбекистондаги турли экологик ташкилотлар ҳудудни кўкаламзорлаштириш орқали тупроқнинг шўрланиши ва чўлланишнинг тарқалишига

қарши курашишга ҳаракат қилмоқда”. Видеолавҳада Орол денгизини қўтқариш дастурини амалга оширишга масъул Зиновий Новицкийнинг интервьюси берилган. Унда қайд этилишича, Мўйноқ тумани аҳолиси мавжуд воқеликка мослашиб, алоҳида иссиқхона экотизимида турли экинлар етиштирилмоқда. Ва Мўйноқда кўчлар экиш орқали тупроқнинг шўрланиши ва эрозиясининг олдини олиш чоралари кўриляпти.

Дастур бошловчиси ўз хулосасида “Ободонлаштириш ва туз тарқалишининг олдини олишга қаратилган ушбу ташаббуслар жаҳон ҳамжамиятига ўрнак бўлиши мумкин”, дея таъкидлаган.

«Дунё» АА. Брюссель

## Президент ташрифидан сўнг

# КЕРДЕРДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

## фуқаролар ҳаётига янги мазмун бағишламоқда

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ҳар бир ташрифи бу ўлкада навбатдаги улкан бунёдкорлик, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлашга замин яратади.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу ҳудудга ўтган галги ташрифи давомида Нукус шаҳридаги Алтин жағис маҳалласида бўлиб, бу ерда олиб борилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини эътироф қилган, буни давом эттириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Айни кунларда Қорақалпоғистондаги кўплаб овул ҳамда маҳаллаларда қурилиш, ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Нукус туманидаги Кердер маҳалласи ана шундай бунёдкорлик ишлари қуршовида. Ҳудудда “Обод маҳалла — обод кўча — обод хонадон” мезонини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар бунга ёрқин мисолдир.

Мазкур маҳаллада 564 та хонадон бўлиб, 3 786 нафар аҳоли яшайди. Улар орасида қорақалпоқ, ўзбек, қozoқ ва корейс миллати вакиллари аҳил-иноқ умргузaronлик қилиб келишаётир.

— Махсус ишчи гуруҳлар томонидан хонадонлар уйма-уй юриб тўлиқ ўрганилди, — дейди Президентнинг Қорақалпоғистон Республикаси Халқ қабулхонаси вакили Ғайрат Тлеумуратов. — Натижада 268 та хонадонда 411 нафар фуқаронинг соғлиқни

сақлаш, бандлик, субсидия, кредит, уй-жойни таъмирлаш, ичимлик суви ва бошқа масалалар бўйича муаммолари мавжудлиги аниқланди. Уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Ижтимоий ҳимоюга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 462 фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилиб, 1 019 нафарига амбулатор шароитда даволанишга, 2 нафарига эса туман тиббий марказида даволанишга йўланма берилди.

Маҳалладаги “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” ва “темир дафтар”га, шунингдек, кам таъминланган оилалар рўйхатида киритилган 68 нафар фуқаронинг хонадони ҳомийлар томонидан таъмирлаб берилляпти. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, боқувчисини йўқотган ўндан ортиқ хонадонларда таъмирлаш ишлари якунланди. Шунингдек, эҳтиёжманд саккизта оилага маънавий техникалар берилди.



Бу ҳали ҳаммаси эмас. Маҳаллага олиб келувчи йўللарга асфальт, ички тупроқ кўчаларга эса шағал ётқизилди. 35 та кўчага 20 км. узунликда ичимлик суви тармоғи тортилмоқда. Ҳомийлик ҳисобидан 1 та хонадонга артезиан қудуқ қазиб берилди. Электр таъминотини яхшилаш бўйича 1 та янги трансформатор ўрнатилиб, яроқсиз 80 та симёғоч янгиларига алмаштирилди.

Эътиборлиси, маҳаллада қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан бир вақтда, аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш ҳамда бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Жумладан, тикувчилик, хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишлар-

да ўз ишларини бошлаётган 15 нафар аҳоли вакилига субсидия ажратилаётган бўлса, 8 нафар фуқарога 180 млн. сўм кредит берилди.

Умуман олганда, Президентимизнинг ташрифи чоғида белгиланган вазифалар ижроси маҳаллаларнинг обод бўлишига, халқимизнинг турмуш даражаси оlishига хизмат қилаётир. Кўп йиллар эътибордан четда қолган Кердер маҳалласидаги кенг кўламли яратувчанлик ишлари аҳолининг эртанги кунга ишончини янада оширмоқда. Таъбир жоиз бўлса, янги ҳаёт бағишламоқда.

Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).

# ПАНДИГОН КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ОСТОНАСИДА

Айни кунларда Риштон туманининг олис “Пандигон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Обод маҳалла — обод кўча — обод хонадон” тамойили асосида қарийб 15 миллиард сўмлик қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу дастур доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил саъй-ҳаракатлар муҳим омил бўлаётир.

## Обод маҳалла

Ташаббус доирасида ушбу маҳаллага республика ва вилоят бюджетидан 14,7 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар жалб этилиб, ҳудуд инфратузилмаси ҳамда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш кўзда тутилган. Шу мақсадда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган 1089 та оила тўлиқ хатловдан ўтказилиб, муаммолар аниқланди ва уларни бартараф этиш учун ишга киришилди.

Йиллар мобайнида эътибордан четда бўлиб келган маҳаллага янги ҳаёт нафаси кирди, — дейди Риштон тумани Нурунийлар жамоатчилик кенгаши раиси Турсунқўжа Абдраҳмонов. — Эндликда эски бинолар замонавий иншоотлар, тор ва чанг кўчалар раван асфальт йўллари билан алмашмоқда. Маҳалла аҳли ҳам хайрли ишлардан четда тургани йўқ. Одамлар ўз яшаш жойини обод қилиш учун кўтаринки қайфиятда ҳашарга чиқмоқда.

Бугунги кунда Пандигонда 100 дан ортиқ қудратли техникалар ёрдами бунёдкорлик ва тозалик ишлари самарали ташкил этилиб, маҳалла кундан-кунга чирой очиб бораётир. Режага асосан, жорий йилда ҳудуддаги 14-умумий ўрта таълим мактаби ва оилавий шифокорлик пунктини таъмирлаш режалаштирилган. Шунингдек, маҳалладаги 12,6 км. электр тармоғини модернизация қилиш ҳамда 481 та бетон таянч устун ва 3 та трансформатор ўрнатиш, 11,5 км. ички йўллارни таъмирлаш, 7,4 км. ичимлик суви тармоғи тортиш, 2,5 км. пиёдалар йўлагини барпо этиш ишлари бажарилади.

Эътиборлиси, аҳолини ишли қилиш оилавий тadbиркорликни йўлга қўйиш мақсадида имтиёзли кредитлар, ёшларга субсидиялар ажратилляпти. Аёллар бандлигини таъминлаш учун эса янги тикувчилик цехи қуриш режалаштирилди.

— Муҳим даромадимиз йўқлиги боис шароитимиз ночор эди, — дейди мазкур маҳалла фуқароси Нодира Акбарова. — Маҳалламиздаги бунёдкорлик ишлари натижасида бизнинг уйимиз ҳам ҳомийлик ёрдами билан мукамал таъмирдан чиқариляпти. Энди замонавий шароитларга эга хонадонда яшаймиз.

Яқинда аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси томонидан 500 нафар маҳалла аҳли бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Терапевт, невропатолог, оториноларинголог каби юқори малакали шифокорлар томонидан аниқ ташхислар қўйилиб, муолажалар белгиланди. Текширувлар жараёнида аниқланган жиддий касалликлар бўйича даволаниш учун

бепул йўлланмалар берилди. Яна бир муҳим жиҳат. Пандигон маҳалласининг драйвери сифатида қўқатчилик танланди ва 400 дан кўпроқ хонадонларда қўқат етиштириш бошланди. Маданий-маърифий тadbирлар пандигонлик ёшлар билимини бойтаётган бўлса, “Уч авлод учрашув”лари тинч-осойишта ҳаёт бардавомлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).



# ИНСОН КАПИТАЛИ РЎЎБИГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

*"Инсон капитални ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш — Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик вазифалардан биридир".*  
*Давлатимиз раҳбарининг БМТ минбаридан янграган ушбу фикрлари мамлакатимизда таълимга барқарор тараққиёт ва фаровонликка эришишнинг энг самарали омили сифатида қаралаётганини яққол ифодалайди.*

## Нўқтай назар

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги Фармони билан "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тасдиқланди. Ушбу дастуриламал ҳужжат халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодийётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида барқарор иқтисодий ўсиш орқали дарамади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш, мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш асосий ғоялар сифатида белгиланди.

Ушбу улғувор ғоялар мамлакатимизда инсон қадрини янада улғунаётгани, унинг салоҳиятини юксалтириш, оруз-умидларини рўёбга чиқариш, тинч-осойишта, бахтли ва фаровон ҳаётини таъминлаш бош мақсадга айлангани ифодасидир.

## Замон тақозо этаётган талаб

Янгиланаётган Ўзбекистонда инсоннинг эмин-эркин яшашига, ўз қуч-қудрати, жисмоний ва маънавий имкониятларини, саломатлигига, мақсадларига алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ижтимоий соҳалар ривожига кенг урғу берилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Глобаллашган бугунги дунёда юқори технологияларни янада ривожлантириш, барча йўналишларга инновацион онг ва инновацион тафаккурни олиб киришга бўлган талаб инсон капиталига бўлган эҳтиётчан охишига сабаб бўлди. Илмий-техник интеграциялар шароитида тез қарор қабул қилиш ва ишга ижодий ёндашиш тафаккурига эга бўлган, креатив фикрлай оладиган кадрларни тайёрлаш замон талабига айланмоқда.

Узоқ йиллар давомида рақобатбардош устуворлик фақат юксак технологияларга эгалик қилишда, деб эътироф этиб келинган. Масалага бундай ёндашув ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Лекин шу билан бирга, инсон яратадиган кашфиётлар тезлик билан ўсиб, ўзгариб бормоқда. Илғор тараққиёт погонасидан жой олган жамиятлар бошқа рақобатчилардан олдинда бўлиш учун ана шу

технологияларни ишлаб чиқишга қодир бўлган юксак қобилиятли инсон капитални зарур эканлигини англаб етмоқда.

Инсон пайдо бўлибдики, "Мен кимман?", "Дунёга нега келдим?", "Яшашдан мақсадим нима?" каби саволларга жавоб излайди. Ҳар бир одам шуруридан "Бу дунёда қандай яшайман?", "Нималарни қўлга киритдим-у, нималарни бой бердим?", "Атрофимдаги инсонларга, жамиятга наф келтира олдими?", "Фарзандларимга нималарни мерос қилиб қолдирмоқдман?" деган ўй-хаёллар ўтиши ҳам табиий. Аслида, ҳар бир инсон индивид сифатида бетақдор, ўзига хос. Бу унинг онг ва тафаккур хусусиятларидан бири бўлиб, инсонийлик белгиси ҳисобланади.

Пировадда инсон ўз умри давомида мунтазам изланади, сидқидилдан меҳнат қилади, билими, кўникмаси, маҳоратини тинимсиз ошириб боради. Мана шу мазмунли ҳаёт юқоридаги саволларга ижобий жавоб бўлиши мумкин. Чунки инсон капитални ҳеч қандай қиймат билан ўлчанмайди, уни бозорлардан сотиб олиб бўлмайдди.

Инсон капитални — тўпланган билимлар, кўникмалар, салооматлик ҳамда уларни рўёбга чиқаришга асосланган табиий имкониятлардир. Инсон соғлигини муҳофаза этиш, сифатли таълим, қулай иш ўринларини жорий қилиш ва малакасини ошириш орқали жамиятга инвестиция киритиш инсон капиталининг юксалишига ҳисса қўшади. Бу эса аҳоли турмуш тарзини ривожлантиришга, ижтимоий ҳижатдан бирлашган кишилар жамоасини барпо этишда муҳим ҳисобланади.

Дунёдаги барча ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг даражаси, технология бозориди кечаётган рақобат сифатли ва қийматли инсон капиталини яратиш мусобақаси ҳисобланади. Чунки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий, илмий, технология ва шу каби ўзгаришларни, таъбир жоиз бўлса, "сакрашлар"ни фақат ана шундай зиёли, билимли, изланувчан, ғайратли ва фидоқорлар армияси — инсон капитални иштирокида ва кўмағида амалга ошириш бўлади.

## Эътибор ва тарбия — оналик ва болаликдан

Инсон капитални ҳақиқатан гап кетганда, унинг шаклланиши ва юксалиши шартли равишда икки босқичда ифодаланиши айтиб ўтиш жоиз. Хали дунёга келмаган инсоннинг келажаги учун қайғуриш дастлабки босқич ҳисобланиб, бунда, аввало, оналарга давлат томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши лозим. Шу боис мамлакатимиз меҳнат қончилигига "туғруқ таътили даври" тушунчаси ва унга ажратиладиган молиявий қўллаб-қувватлаш киритилган.

Қолаверса, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича ислохотлар асосий ўрин эгаллаган. Жумладан, болалар ўртасидаги ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволлаш самардорлигини ошириш, оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, соғлом болаликни таъминлашга қаратилган долзарб чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, келгуси йилларда болалар ўртасидаги ирсий касалликларни 2 баробар қисқартириш, чақалоқларда ирсий касалликлар бўйича селектив скрининг текширувлар қамровини камида 50 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Ҳомилдорлик аниқланган вақтдан бошлаб туғуруқдан сўнг 42 кун ичида аёллар, гўдаклар ва беш ёшгача болалар орасидаги ўлимни 2 баробарга камайтириш чоралари кўрилади. Туғуруқ ўринлари сони 35 фоизга оширилади.

Организмнинг соғлом ўсиши ва ривожланиши учун витаминлар жуда зарур. Шу боис 6 — 23 ойлик болаларни микронутриент кукуни, 2 — 10 ёшдаги болаларни гелиминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар, 3 — 15 ёшдаги болаларни йод препарати, 15 — 35 ёшдаги хотин-қизларни поливитамин, темир ва фоллий кислотаси билан бепул таъминлаш мақсад қилинди.

**"Янгиланган Конституциямиз, "Ўзбекистон — 2030" ҳамда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, қабул қилинаётган қонунлар, жамиятда илгари сурилаётган ғоялар инсон қадрини юксалтириб, унинг манфаатларига камарбаста бўлмоқда. Бу инсон капиталини юксалтиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётганини билдиради. Шу асосда юртимизда инсон капиталини шакллантириш, ривожлантириш ва тараққиёт этиришига хизмат қилувчи таълим тизими, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш соҳалари даражада юксалмоқда."**

## Таълим — юксалиш пойдевори

Инсон капиталининг юксалиши мураккаб ижтимоий босқич бўлиб, бунда одамларнинг соғлом бўлиши, умр давомиликни ошириш, фаровон ҳаёт кечирилари эришиш мумкин бўлади. Бу йўлдан эса, аввало, таълим

Резалаштирилган тадбирлар натижасида болалар орасидаги юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар 20 фоизга қисқартирилди.

Фарзанд дунёга келгач, унинг тарбияси ҳам муҳим аҳамият эга бўлади. Бу инсон капиталини шакллантиришда кейинги босқич ҳисобланади. Мазкур босқичда муҳит — оила асосий фактор бўлади. Ёшларга таълим-тарбия беришда эса ота-оналар, бобо-бувалар каби яқин қариндошларнинг таъсири катта. Ва шуни тақдор айтиб ўтиш кераки, инсоннинг келиб чиқиши, насли, билими, тажрибаси, қобилияти ва бошқа индивидуал хусусиятлари инсон капиталининг шаклланишида муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади.

Инсон капиталининг юксалиши мураккаб ижтимоий босқич бўлиб, бунда одамларнинг соғлом бўлиши, умр давомиликни ошириш, фаровон ҳаёт кечирилари эришиш мумкин бўлади. Бу йўлдан эса, аввало, таълим



Элмурод АБДУЛЛАЕВ, Андижон давлат педагогика институти Кенгashi котиби, фалсафа доктори (PhD).

Тизимнинг барча босқичини ривожлантириш, инсон малакасини мунтазам ошириб бориш орқали ўтиш мумкин.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида айна мақсад йўлида қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда, улар навоқрон авлоднинг замон талабларига асосида билим олиши, ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришига замин бўлади.

Бу борада, биринчи навбатда, мактабга таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш мақсад қилинган. Бу йўлда янги мактабга таълим ташкилотларини очиб, соҳада хусусий секторнинг салмоғини ошириш орқали эртағамиз эгалари мактабга таълим ва тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраб олинади.

Мактабга таълим сифатида алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, давлат мактабга таълим ташкилотларини 100 фоиз компьютер сифий билан таъминлаш орқали тарбияланувчиларда бошланғич компьютер саводхонлиги кўникмалари шакллантирилади.

Мактабга таълим ташкилотларининг барчаси тоза ичимлик суви ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминланиши ёш авлоднинг соғлом ва бақувват ўсиб-ўлғайишида муҳим аҳамият касб этади.

Стратегияда умумий ўрта таълим тизимида "Таълим учун қулай муҳит" дастури амалга оширилиши белгиланган. Бунинг учун олис ва чека худудларда жойлашган 715 та умумий ўрта таълим муассасаси ўқувчилари учун бепул автобусларни йўлга қўйиш, умумий ўрта таълим муассасаларини тоза ичимлик суви ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлаш режалаштирилган.

Келгусида 700 га яқин номдаги янги дарсликлар, машқ дафтари, педагоглар учун методик қўлланмалар ва мобиль иловалар яратилиши, янги авлод дарсликлари асосида планшетлар учун 1 мингта мультимедиа дастури ишлаб чиқиш, таълим ташкилотларига ҳар йили "тил эгалари" бўлган 500 нафар хорижий мутахассисни жалб этиш мўлжалланмоқда.

Барча умумий ўрта таълим муассасаларида касб-хунарларга ўргатиш курсларини, Президент мактаблари ва иxtисослаштирилган мактабларнинг таълим методикасини жорий этиш мақсад қилинмоқда, бу тизимни янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Дастуриламал ҳужжатда педагог кадрлар мақомини ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш, профессионал таълим тизимини ривожлантириш орқали ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш, олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича ҳам кўплаб ислохотлар қайд этилган. Буларнинг барчаси инсон капитални рўёбда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

## Тараққиёт шиддати — асосий мезон

Янгиланган Конституциямиз, "Ўзбекистон — 2030" ҳамда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, қабул қилинаётган қонунлар, жамиятда илгари сурилаётган ғоялар инсон қадрини юксалтириб, унинг манфаатларига камарбаста бўлмоқда. Бу инсон капиталини юксалтиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётганини билдиради. Шу асосда юртимизда инсон капиталини шакллантириш, ривожлантириш ва тараққиёт этиришига хизмат қилувчи таълим тизими, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш соҳалари сезиларли даражада юксалмоқда.

Бу борада баъзи бир муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам бор. Улардан бири — аҳолини доимий иш билан таъминлаш. Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Бу, ўз-ўзидан, уларни муносиб ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш муаммосини юзага чиқаради.

Стратегияда меҳнатга лаёқатли аҳолининг, жумладан, ёшлар ва ноғиронлиги бўлган шахсларнинг барқарор ҳамда самарали бандлигини таъминлаш орқали ишсизлик даражасини 7 фоизгача тушириш белгиланган бекорга эмас. Зеро, ёшлар — жамиятда асосий ишчи, муҳим капитал демакдир. Бу ишчи кучини тўғри йўлга сафарбар эта олсак, қўллаб масалалар ўз-ўзидан ечилади.

Инсон салоҳиятини юксалтиришдаги энг долзарб омиллардан бири — сифатли таълим. Олимларнинг фикрича, бир йиллик қўшимча таълим инсоннинг ҳаёти давомида топиши мумкин бўлган даромадларини 10 фоизга кўпайтиради экан. Яна бир мисол, билими ўртача бўлган педагогларни малакали мутахассисга алмаштириш орқали инсон даромадларини ўртача 20 фоизга ошириш мумкин. Шу боис мактабларда таълим сифатига бўлган талаб замон эҳтиёжи, тараққиёт шиддатига қараб тобора юксалтириб борилавериши шарт.

Бинобарин, инсон капитални марказида билим олиш асосий роль ўйнашини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим тизимига эътибор нақадар долзарб характерга эга эканлигини кўриш мумкин. Шу боис ҳозир таълим тизимининг барча босқичини ислоҳ қилиниб, замон талабларига мослаштирилмоқда. Янги таҳрирдаги Бош қомусимизга биноан, давлат гранти асосидаги таълимнинг кафолатлини, олий ўқув юртиларига қабул квоталарининг ортиши, олийгоҳлар сонининг кўпайиши, нодавлат ва хорижий таълим муассасаларининг фаолиятига кенг йўл очилиши бунга яққол мисол бўла олади.

Энг муҳими, мамлакатимизда инсон қадрини тушунашига муносабат тубдан ўзгаргани амалга оширилаётган ўзгаришлардан қўзланган мақсадларнинг рўёбига ишончимизни мустаҳкамлайди. Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда, инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баландларов тушуна эмас. Инсон қадрини деганда, биз аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирилиши, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши назарда тутилади. Инсон қадрини деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этилиши, малакали тиббий хизмат кўрсатиши, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш бериши тушунади.

**Элмурод АБДУЛЛАЕВ,** Андижон давлат педагогика институти Кенгashi котиби, фалсафа доктори (PhD).

# ГУЛИРАЪНО ТАНЛАГАН ЙЎЛ

*Тошкентдан юзлаб километр йўл босиб, Фаргона вилоятининг Риштон туманига етиб келдик. Оддий қишлоқ қизи, деҳқон оиласида вояга етган, олий маълумотли олим-агроном Гулираъно Холиқовани излаб Қайрағоч қишлоғи томон шошамиз. Йўл-йўлакай сўраб-суриштириб, у меҳнат қилаётган дала шийпонини топдик.*

## Орамиздаги одамлар

Чамандек очилган пахтазорда теримчи хотин-қизларнинг шўх-шодон овозлари эшитилди. Улар орасида шўх-шадодлигига ғайрат-шижоати юз-кўзидан шундоқкина билиниб турган Гулираъно ҳам бор экан. Учрашдик, суҳбатимиз тезда қўр олди.

Гулираъно Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ўқиган. 2021 йилда аёло ҳуқуқи, намунали билими туфайли Беруний номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди. 2021 — 2023 йилларда ушбу ОТМнинг магистратурасида давлат гранти асосида таҳсил олиб, олим-агроном мутахассислигини эгаллади. Ва қадрдон қишлоғи Қайрағочга отаси Йўлчибой ака ёнига қайтиб, "Холиқов Йўлчибой" фермер хўжалиғига рағбар бўлди.

Бошида унга "Гулираъно, сен институтни битириб, магистратurada ўқиб, шунча билим билан фермер хўжалигини бошқарасанми, каттароқ лавозимда ишласанг бўлмайди?" деганлар ҳам учради. Унинг жавоби шундай бўлди: "Фермерлик шундай катта лавозимки,

уни фақат билим билан бошқариш керак, номига фермер бўлиб, ишни элай олмай мулзам бўлиб қолганлар қанча?"

Кейинчалик одамлар бу борада Гулираънонинг ҳақлигига амин бўлишди. "Фермер бўлиш учун нафақат институтни, балки магистратурани ҳам битириш керак экан", дейишди улар. Гулираъно эса ўз сўзини меҳнат билан, мўл ҳўсил ва сифатли пахта хомашёси етиштириш билан исботлади.

— Гулираъно кенжа қизим, ўшғоми бўлмаса-да, унинг ғайрати ва шижоати ўн ўрилга татийди, — деди Йўлчибой Холиқов. — Мен унинг тиббиёт ходими бўлишини истаганим, лекин у шу оғир меҳнат йўлини танлади. Ҳозир катта бир хўжаликни бошқарилади. Ишлабандаям илм билан, инновация билан меҳнат қиляпти. Уқиганининг номи ҳалол экан. Буни қизим мисолдида кўриб, сезиб турибман. Талабали йилларидаям таълимни далада ўтказарди. Институтда ўрганган билимларини шу ерда, эгат оралаб амалиётда синади.



Узи трактор хайдаб, ғўза қатор орала-рига ишлов берди. Куз-қиш ойлариди далаларнинг шўрини ювишдан тортиб, бугдой сеписи, баҳорда ерга чигит қадаш жараёнларида ҳозир бўлди. У бунча ғайратни қаердан олаётганига хайронман...

Гулираъно отаси ишлаётган дала-ларга илмини олиб киргани рост. Экилаётган пахта навларини янгилагани ҳам бор гап. Агротехник ишлов масумида минерал ўғитлардан нисбатан камроқ фойдаланиб, маҳаллий ўғит ва инновацион технологияни кенг қўлади. Сув тежаш технологияларидан ҳам фойдаланди. Натижада ҳосилдорлик йил сайин ошиб борди. Унга хавас қилув-

чилар кўпайди, тажриба алмашиш учун келувчиларнинг қадами узилмади.

Ёш қизнинг ютуқларини эшитганч, олтирақиқлар фаҳри бўлган, пахта устаси Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротова ҳаётлик пайтида вақт топди дегунича, "ғиз" этиб, Олтирақиқ дала-ларига туташ Риштоннинг Қайрағоч қишлоғига етиб келарди. Ҳар гал Гулираънонинг уйдан эмас, даласида, иш устида, трактор рулида ёки эгат-ларга сув тараётганлар ёнидан топарди. "Сен қиз ўт-оловсан, мендан-да ғай-ратлироқ чиқдинг. Янги Ўзбекистонга сендай ғайрату шижоатли ёшлар жуда-жуда зарур. Чунки қўрилиш пахта меҳна-тида қадоқ бўлди, жуссанг шу дала-ларда ўлгайдиган, фарғоналик пахта уста-ларининг ойдин йўлини танааб адаш-мадинг. Худо хоҳласа, ҳалол меҳнатинг ва билиминг сени тез кунларда элга тантипти, камолга етказди", дерди ҳаяжонини яширолмади Лола опа.

— Устозим Лола опадан кўп масла-хатлар олдим, деҳқончиликнинг сир-асорини ўргандим. У киши далалар би-лан, ғўза ниҳолларию бугдой майсалар-ини билан тиллашини биларди. Бир зумда оддий қишлоқ кишиларни, деҳқонлар қалбини ўқиб олиш санъати бор эди унда. Меҳнатиди ёш кишига хос мардлик, жасорат ва ҳалоллик ҳукмрон эди. Шу боис даласидаям ишидаям барака бор эди, — дейди Гулираъно Холиқова.

Гулираъно ҳар қарич ерни эъзолаб, эгат оралаб пахта тараётган қишлоқ аёл-лари билан тил топишиб, меҳнатдан ба-рака топомқда. Шу боис унинг пахта хи-ромиди ҳам, бугдой уруғи қадалаётган дала-ларида ҳам файз бор, барака бор.

— Бу йилги ҳосилимиз янада бара-кали бўлди, худо хоҳласа гектаридан 51 центнердан пахта хомашёси териб оламиз, — дейди у.

"С 8290" нави экилган пахтазор ча-мандек яшнаб ётибди. Бир юз эллик нафар теримчи иштирокида кунлик режа ошиғи билан баҳарилаётир. Бу йилги ғалланнинг ҳам хирмони барака-ли бўлди. Ҳар гектар майдондан 90 цент-нердан кирмизи дон ўриб олинди.

Бундан ўн йил олдин бу ерлардан ошиб борса 30 — 35 центнердан пахта, 50 — 60 центнердан ғалла йиғиштириб олинган. Аммо меҳнат туфайли кластер тизи-ми яратилди. Қишлоққа саннат кириб келди, одамлар иш билан таъминлан-ди. Деҳқон елкасига ортинган юк олиб ташланди, қўли пул кўрди. Фермерлик, табдиркорликка кенг йўл очилгани боис ўша йиллари ширин туш бўлган орзу-лар, бугун ҳақиқатга айланди. Меҳнат қилган элда азиз бўлмоқда.

— Мақсадлар юксак, фаолиятимизни

янада ривожлантириб, кенг тармоқли хўжаликка айлантириш ниятидамиз, — дейди Гулираъно Холиқова. — Ҳозир 40 уя асалари парваришляямиз, кел-гуси йилдан унинг сонини 100 тага ет-казамиз. Ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Балкичилик, чорвачилик тармоқ-лари учун имтиёзли кредит олиб, янги иш ўринларини очамиз. Қишлоқ ёшларини, аёлларни иш билан таъминлаймиз. Қишлоқдошларининг айтишича, фер-мер қиз эл дарди билан яшамоқда. Ёшларни иш билан таъминлаш, етимлар, ёлғиз кексалар холидан хабар олиш, "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари", "те-мир дафтар"га киритилган қишлоқдош-ларига имкон қадар ёрдам кўрсатиш Гулираъно учун қатъий мақсадга ай-ланган. Шу боис бу йилги ғалла ҳосилидан эҳтиётчан оилаларга бугдой тарқатил-ди. Ҳозирда ҳар бир аёл учун кунлик те-рим пулига қўшимча равишда фермер-нинг шахсий ҳисобидан ёғ улашилмоқ-да. "Обод маҳалла — обод кўча — обод хонадон" тамойили бўйича амалий иш-ларда фаол иштирок этиш унинг ғалда-ги режalarидан бири саналади.

— Фермер ва табдиркор бой бўлса, эл обод, Ватанимиз қудратли бўлади. Президентимиз илгари сурган бу эзгу ғоя бизга катта қўл берапти, қанот бўлмоқда. Натижага эришиб, аввало, инсондан ўз олдига мақсадни тўғри қўйишдан бошланади. Сабр-тоқат ва ҳалол меҳнат эса, албатта, ўз самара-сини беради, — дейди фермер биз би-лан хайрлашар чоғида.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ** («Халқ сўзи»), Акция МУҲАММАДОВ олган сурат.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 769 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва малаифга қайтарилмайди.

Газетанинг муҳтаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишида "Шарқ" нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Мусаҳҳих — С. Исломов